

Оила ва жамият

1991 йил 1 сентябрдан
чиқа бошлаган



Oila va jamiyat

46
сон
13 ноябр —
19 ноябр
2003 йил

БАРЧА СОҲАДА ФАОЛ



Сувратда: Муҳаббат Дўстметова (иккинчи қатор, чапдан иккинчи) Олмалик шахар ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раисаси фаоллар даврасида.

Биз яқинда Олмаликда бўлди, бир гурӯх фаол аёллар билан сұхбатлашиб қўйтилди.

Муҳаббат Дўстметова-Олмалик шахар ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раисаси:

-Пахта йигим-терим мавсуми кетаётганига қарамага бір барча соҳаларда фаоллик билан иш олиб боришига ҳаракат қулаҳимиз. Кимдир далада, кимдир ўз муаммолари билан банд. Тушликача ўз дарди, муаммоси билан келган аёллар, қизлар

билан сұхбатлашсам, тушилдан сўнг пахтазорга ошикаман.

Пахтакор аёлларнинг қайфиятлари, орзу-умидларини тинглайман. «Соглом авлод» жамғараси билан ҳамкорликда ёнг яхши теримич аёллар, қизларни моддий рагбатлантириш мақсадида, совға-саломлар, биринчи тиббий ёрдам дори кутилари билан таъминлаб келаётпаз. Яхши меҳнат қылган одам, яхши дам олишини ҳам билиши керак. Шу мақсадда шоир, ёзувчи, қўшиқчилар билан учрашувлар ташкил этилди. Ҳокимимиз Юрий Николаевич Беланов аёллар саводхонлигини оширишга алоҳида эътибор берисимизни кўп бора таъкидлайди. Маҳалладаги фаол аёлларимиздан бир нечтасини «Оила ва жамият» газетасига обуна килишини ташкил этилди. Бундан газетхон аёлларимиз жуда манумнан.

Марҳамат Йўлдошхўжаева- «Соглом авлод» жамғараси раисаси:

Яхши келиб ўтказиб келишади.



Марҳамат Йўлдошхўжаева- «Соглом авлод» жамғараси раисаси.

- Бир гурӯх иқтидорли тала-балар учун «Соглом авлод» сти-пендижини ташкил этилди. Шаҳримизда ўтказиладиган тадбирларда жамғарма ҳомийлик ҳам килади. Колаверса, ўз дорихонамиз бўлиб, кам таъминланган, кўп болали хонадонларни доридармонлар билан таъминлаб бо-



30-сон Охунбобеев номли маҳалла фуқаролар йигини раиси Шарифа Юсуфалиева (чапдан иккинчи) ҳамкаслари билан эртаги кун иш режаси ҳақида сұхбатлашмоқда.

раипазис.

Аҳоли ўртасида тиббий маданияти ошириш мақсадида тажрибали шифокорлар билан биргалиқда ёшлар ўртасида семинарлар ташкил этмоқдамиз.

Феруза Тўраева- Марказий шифохона қошида ташкил этилган репродуктив саломатлик кабинети акушер-гинекологи:

- Бизнинг марказга асосан янги оила куриш остоносида турган йигит-қизлар келишини ўтказиб ўтамиш. Колаверса, мактаб ҳамда болалар боғасига биринчирилган маҳалла шифокорлари ҳам марказизига келиб ўқув-таҳриба алмашиб кетишади.

Шарифа Юсуфалиева- 30-сон Охунбобеев номли маҳалла фуқаролар йигини раиси: Айни кунларда Республика-миз бўйлаб маҳалла оқсоқоли сайлаш учун сайловлар бўлиб ўтаяпти. Биз ҳам ўзимизнинг 4 нафар номзодимизни кўйдик. Халқ қайси биримизни муносиб топса, сайдайди. Чунки маҳалла оқсоқоли бўлиши жуда мурракаб иш. Яхши гап ҳам биринчи бўлиб маҳалла оқсоқолига етиб келади. Биз кўпроқ ёшлар билан ишлаймиз,

чунки ота ишда, она ишда, мактабдан келган бола ёғлиз ўзи уйда колади. Нима килишини



Марказий шифохона қошида ташкил этилган Репродуктив саломатлик кабинети акушер-гинекологи Феруза Тўраева (чапдан иккинчи) ҳамкаслари билан.

билим зерикади. Ичкиликка, турли ноҳуҳи ишларга ружу кўяди. Ёшлар гавжум бўлган худуддан бир хона олиб карат, кураш тўғараклари ташкил этилди. Мактабдан бўш вактларида ёшлар бемалол шу ерга келиб спорт билан шугуланишлари мумкин.

Сайёра Алимкулова-ФХДЕ бўлими мудираси:

- Оила куриш остоносида турган ҳар бир ўш билан «Оила Дорилғунуни» да, ҳамда ФХДЕ бўлимида сұхбатлар олиб борамиз. «Оила Дорилғунуни» тажрибали ота-оналарни таклифи этамиз. Улар ибратли ҳаёт кечириш, эркак аёл бир-бигрига муносиб бўлиши учун нималарга эътибор беришлари кераклигини ўз ҳаёттый тажрибаларни асосида галириб беришади. Колаверса, ёшлар ўртасида доимий равишда тиббий кўрикдан ўтиш ҳамда никоҳ шартномаси тузишнинг афзал томонларини тушунириб борамиз.

• • •

Хуллас, Олмалик шахрига қылган сафаримиз ниҳоясига етди. Бир томонида корлар, бир томонида

кўм-кўк далалар ястаниб ётган баланд-баланд тофларни орта қолдириб кайтар эканмиз, «Олмаликнинг одимлари ҳамиша тезкор бўлсин», деб ният билдиридик.

Нигора

АЁЛ ЎЗ ҚАДРИНИ БИЛСИН

Ўзбекистон «Тадбиркор Аёл» уюшмаси Қўқон бўлимида фаолият олиб бораётган аёллар бугунги кундаги ўз муаммолари, мақсадлари ҳақида қўйидагиларни гапириб бериши.

Халима Каримова - «Тадбиркор Аёл» уюшмаси ижро чирик директори:

- Түрмуш ўртогим бахтисиз ходиса туфайли оламдан ўтага, 2 нафар фарзандларим билан 26 ўёшимда бева қолдим. Орадан бир йил ўтиб ота-онамнига кўниб ўтишга маҳбур бўлдим. Мен учун чиннакам ҳаёт синовлари бошланди. Бошпанасиз, оила бошлигисиз шашининг ўзи бўлмас экан. Шахримиз марказидаги темир йўл вок-

залига «диспетчер» бўлиб ишга кирдим. У ерда ишлаш шароитига тўғри келмагач, яган менинг «Тадбиркор Аёл» уюшмаси раиси Сохиба Махкамовна олдига олиб борди. Бу ердага жамоа азоларининг ҳар доим бир-бириларни суняшга, бир-бириларнинг муаммоларини биргалиқда ечишга ҳаракат қилишина меган мавзул бўлди. Секинаста семинар-тренинг машгулларда шитироғ эта бошлади. Дунёқарашимни ошириш, ўз устимда ишлашим учун менга имкониятларни ўчилиди. Биринчи мустакил қадамни 2000 йил «Венрок Интернейшн» томонидан тақдим этилган «Аёллар учун янги имконият» ларномида ўтказиб ташкил этилди. Ота-онам менга ёмон-

ришдан бошладим.

Янги тақдим этилаётган лойиҳаларни ичизда менга энг маъқуб бўлгани «Оиласда зўравоникнинг олдини олиш» лойиҳаси эди. Биз омлада аёлларга нисбатан кўлландаётган зўравонлик қаердан келиб чиқаётгани, уларнинг туб моҳияти билан кизиқидик. Қишлоқ аёллари билан учрашувлар ташкил этиб, улар ўртасида тушунтириш ишларни олиб бордик. Натижалар ёмон эмас.

Саида Тўрақурова - Қўқон шахар Нодира маркази бошкунга кенгаси раиси:

- Институтда ўқиб ўрган пайтимда онам мени ўзига таниш бир оиласига ўғлига турмушга узатди. Ота-онам менга ёмон-

лини раво кўрармиди? Яхши одамлардирки, менга муносиб

кўришга аспатти, деган ўй билан рози бўйдим. Афсуски, у хона-донда узон яшаш насаб этмади. Биз ажрашдик. Назаримда, мен учун ҳаёт тугагандай эди. Руҳим тушган, фарзандиз, бунинг устига ҳар хил гап-сўзлар. Шундай кабристонларни обод қилиш дейсизми, барчасига беминнат хизмат қилиш учун бел boglайди. Кайнотам табиат-севар инсон. Уйимизда кантардан тортиб тўтигувчагача бор. Айни кунларда «Нодира маркази» учун янги офис кураяпиз. Бешарик, Ўзбекистон, Данғара туманларидаги ҳам филиал очишига муввафақ бўлдик. 300дан зиёд тадбиркор аёлларни бизнес план тузиш, кредит олиши, ўз ҳақ-хуқуқларини химоя қилишга ўргатиб борамиз. Мақсадимиз аёлларни ўз оиласи, маҳалласи, жамоат ташкилотларидаги муаммоларни ҳам ечишга ўргатиши.

Н. Йўлдошева

СПОРТЧИЛАР ОИЛАСИ

Жума шахридан 1-болалар ва ўсмиirlар спорт мактаби самбо тўғри мураббиси, самбо бўйича спорт устасигига номзод, миллий кураш бўйича спорт устози бўлиб етишган Ҳасан Нуровеен 1994 йилдан берин ўзиган 62-умумтъалим мактабида жисмоний тарбия ўқитувчиси. «Мехнат», «Темирхўжа», «Илм», «Бургани» кишилопларидаги мактабларнинг 4-11-син-


фларида ўқиётган 40 нафар иқтидорли ёшларга спортнинг миллий кураш, самбо турлари сирларини астойдил ўргатади. Тинмисиз, мунтазам килинган машҳулар ўз самарасини бера бошлади.

Тугарас катнавишиларидан Бунёд Исломов - самбо бўйича иккичи марта республика чемпиони бўлди. Жасур Донаев, Фарҳиддин Усмонов, Умид Бекназаров, Махфуз Рўзикулова, Шахноза Ражабова

каби шогирдлари миллий кураш, самбо, дзюдо бўйича спорт устасигига номзод ва мамлакат чемпиони бўлишиди. Ҳасан Нуровеен Тошкент шахрида бўлиб ўтган 45 ёнгача бўлган мамлакат биринчилиги учун ўтказилган мусобакони бўлди ва Францияда ўтказиладиган жаҳон чемпионатига ўйланинг кўлга киритди. Ҳасан Нуровеен умр йўлдоши, 62-ўтга мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси Насиба Тўраева билан опти нафар соғлом

ўғил-қизларни вояга етказапти. Фарзандлари Санжар, Саҳмиддин, Ботир, Зоир ва Ҳусан, Маликалар спортнинг самбо турнир бўйича 1-разряд нормасини бажаришган. Ҳасан Нуровеен оиласи туман, вилоят миқёсида ўтказилган оиласий спорт мусобакаларидаги голиблини кўлга киритиб, «Оиласа-2003» чемпиони бўлди.

Насридин ЭШКУВВАТОВ
Самарқанд вилояти
Паст Дарғом тумани



Хар бир халқнинг

қадимий удумлари, урғодатлари, миллий ва умуминсоний қадриялари бўллади. Бизнинг халқимизда ҳам бир-бираидан тўзул ва пурмавно удумлар бор. Жумладан, ота-боболаримиз улланиш, оила куриш масаласига жуда жиддий қараганлар. Бу хислат машҳур адид Ў.Хошимовнинг "Дунёнинг ишлари" асарида жуда жозигали тасвирланган. Ёзувчи асар қаҳрамонининг кўшини киз Гули билан бўлган сухбатини шундай келтиради:

"...Тўй қачон?

Гули қизарди. Аммо кувончини яшира олмади.

- Фарҳод акам ёқдими сизга? - деди жилмайб.

- Ёқди, - дедим ростини айтиб. - Касби нима?

- Ошпаз, - Гули яна жилмайди. - Шеф повар.

- Кариндошлардан эмасми?

Гули "йўк" дегандек бойчайқади.

- Қаерлик экан ўзи?

Гули хайрон қолиб чиройли киприклиарни пиритратди.

- Бунинг нима аҳамияти бор?

- Мабодо авлодидан ўргими, наша-ваанди чиқмагани? - Беихтиёр оғиздан онамнинг саволи чиқиб кетди.

Гули бирдан жиддий торти. Кошини чимиди.

- Нима деганингиз бу?

- Жинни-чи? Мабодо қариндош-уругларида руҳий касал йўқми? Суриштирик кўриниң.

Ёзувчи назарда тутган авлод-аждоднинг суриштирилиши инсон наслининг, қолаверса, ҳар бир кишининг тақдирни ва характерининг шаклланиши хусусиятлари, инсон генофондининг миллий характерига бориб тақалади. Боболарининг оиласига анъаналари авлоддан-авлодга ўтиб, оталарининг бажарадиган ишлари, ҳатто қизиқишлиари фарзандлар томонидан давом этирилаверган. Шунингдек, дено ҳалқимизнинг кузатишлари ҳар бир авлод вакиларининг маълум ёшгача умр кўриши, бир хил қасаллик ёки фохея билан дунёдан кўз юмиши, насл сурувчи қасаллар ҳақида маълумотлар беради. Шу боис чечанликда донғи кетган баҳшиларни "етти пушти шоир ўтган" деб таърифлаганлар. От миницида ва чоптириша да чаққон чавандозларин "Ботирлик етти отасидан мерос" деб угулашган. Курашда кураги ер кўрмаган полвонларни эса "етти оркаси ер кўрмаган" ибораси билан тилга олишган. Аксинча, "етти уруғи жинни", "етти отаси бангি" каби иборалар ҳам ҳалқ орасида юради. Ўтмишда боболариниң тарих ўтиришда, маълум бир воқеа-ҳодиса, жанг ёки сафар санасини аниқлашда, қон-қариндошлик, мерос, никоҳ муносабатларини ўна-тишда етти аждодни асосий мезон сифатида кўлашган. Етти отаси-аждодида умумийлик бор-йўлгига қараб қариндошлик муносабатларини

ўрнатганлар. Ў.Хоши-

мов ҳам ана шу мұқаддас мезонларни ёшларга эслатиши максадида асар таркибига диалог шаклини олиб кирган. Қолаверса, Гули образи орқали унтилиб бораётган миллий қадрияларимизни тиқлашга, китобхонни рўй бершини мумкин бўлган фоже ала рдан огоҳ этишга қақирайти.

ХАЛҚНИНГ ДОНО УДУМЛАРИ

Инсон тақдирни ҳал этиладиган дақиқаларда у ҳиссиятдан кўра, ақла суняни кераклигини эслатиб ҳам кўди. Мұхаббат-мұқаддас неымат, уни ардоқлаш, асрар-авайлаш керак. Лекин инсон қисмати бу каби инха туйғулар билан бирга генетик имкониятларга ҳам боғлиқ. Ёзувчининг Гули билан бўлган сухбати жараёндаги гумонлари асар давомида яна-да ойдинлаштирилади. Ёзувчи бир ўринда асар қаҳрамони номидан шундай ёзган:

"Ўзим врачман. Врач бўлганим учун хотинимнинг тувишини хоҳламайман. Бутунлинг асанқирик қолдим.

- Нега ахир? Бир-бираингизни севсангиз. Муносиб бўлсангиз...

- Мен врачман, - деди Ислом яна бўйик овозда. - Генетикани яхши билам. Хотинимнинг ўғил тувишидан кўркаман. - У яна хўрсанди. - Кўркаман. Умуман ҳаммасига ўзим айбордорман. Назирани севардим. Худбинлик килдим. Босида айтишини керак эди.

- У ниманидир, жуда муҳим нарсани айтишга иккilonardi. - Майли, - деди ниҳоят. - Ростки, сизга юрагимни очдимми, бу ёғиням айтишим керак. Менинг бувам-дадамнинг отаси ШЗ бўлган.

- Нима у ШЗ? - дедим дафъатан түшунолмай.

- Шизофрения касаллиги. Руҳий ҳасталикни медицинада шунака дейлади. Бу-наслдан-наслга ўтадиган дард. Ота авлодида бўлса ўғилгами, неварагами, хуллас, кимгандир ўтади". Кўриниб турибиди, ёзувчи Ислом образи орқали етти авлоднинг ирсият билан боғлиқ жиҳатларини на-зард тутапти.

Гиппократ таълимотига кўра, инсон ҳаётидаги мухим ўзғаришлар ҳар етти кун, етти ой, етти йилда рўй беради эмиш.

Ҳошимов мана шу таълимотга сунянган ва етти авлодга ҳос маълумотларни ўрганган ҳолда "Дунёнинг ишлари"даги Ислом образи зинмасига етти авлодга ҳос хусусиятларни юклаган. Аслида Ислом кутидиган фожеалар ҳам, Гулига ноанси бўлиб қолган тақдир ўйинлари ҳам пурхикмат ҳалқ қарашларига бориб тақалади. Шу билан бирга адид китобхонни абдий анъаналаримиздан бириси хисобланмиш, етти авлодни билишга ча-киради.

Таникли уйғур олими И.Исмоиловнинг ёзишича, қон-қариндошлик ёки ота-онадан тарқалған авлод-уругни ифодалаш учун етти термин мавжуд бўлиб, у туркий тилларнинг факат иккитасида, яъни ўзбек ва уйғур тил-

ларидаги сакланган. Булар биринчи авлод - "бола", иккичи авлод - "на-вра", учинчи авлод - "чавра", тўртинчи авлод - "пай навра", оптинчи авлод - "кукун навра", еттинчи авлод "я тавра" тарзida берилган. Ёзувчи Ҳошимов мана шу фольклор анъаналаридаги мифологик қарашларни ижодий ўзлаштирган. Шунингдек, ҳали қарашлари ва миллий қадрияларининг тагзамиинини ва тарихи ўрганиб, кузатиб, ўз кузатишларни китобхонга бадиий тасвир орқали юксак маҳорат билан етказиш натижасида асар бадиий тўкимасининг тўлақонли чикишини таъминлай олган. Ў.Хошимовнинг "Дунёнинг ишлари" асарида ҳали қарашларни билан боғлик одатлар аниганига ўрин олган. Асарда кептирилган етти-саккис яшар бола таассуратлари шундай хикоя қилинади: "У мени сувга тескари қилиб ўтқазди. - Кўзингни юмасанд-да, "Сув тишимни ол, тилла тишимни сол", деб уч марта айтасан. Тишинги етлигидан ошириб, анхорга отиб юборасан, янги тишинг тилла бўлиб чиқади".

Маълумки, боланинг би-

Кулокқа
чалингай
гаплар

**КЕНГ
ҮНГИНАГА,
ЕНГ ДУНЕ**

Узоқ бир қариндошимиз Рисолат опа бой тўшакка михланиб ётди. Вақти соати етиб қазо қилгач, маҳалламиз аёлларига қўшилиб фотиҳага бордик. Аёлнинг келинлари, опа-сингиллари, қайнингиллари ховлида тизилишиб ўтиришибди. Бирин-кетин саломлашиб айвонга чиқиб ўтиридик. Улар ўртасида бўлиб ўтәтган сухбатни ёзитмасликка ҳаракат қилсан ҳам иложи бўлмади.

- Нима ҳадеб биз йиглайверамиз? Ана яхши кўрган опа-сингиллари йифласин. Келин опамни фойдаси кўпроқ ўшаларга теккан", - деди кичик қайнингил Гулчехра.

- Акмани топган-тутганлари ҳузурини кўпроқ ўшалар кўрган. Биттаси жонини кўйдирмайди-я, - опасининг гапларига қўшимча киридти ўртача қайнингил.

- Тавба, уларни қишлоғида йиглаш мумкин эмасмиш, ёшитган қулқа жуда хунук кўринар экан, - пичини аралаш кавоб килди кенжা овсин Сайёра.

Шу пайт шамолдай учеб юрадиган Гулнора (Рисолат опанинг ўртача келини) шошиб-шошиб келиб столга тап этиб ўтириб олди-ю, азани ҳам унугтиб гапга туди.

- Дилмурод акам ишдан сал кечиқди дегунча асабиляшиб, жаҳлим чиқиб кетади. Ишга бормасдан ёнимда ўтираса дейман.

- Дилмурод акандигиз ўйланган бўлса, ким ҳам қаради, ўзиям рашк қилишни ошириб юборасиз-да, - кесиб-кешиб гапиди, кўшина Рахима келин.

- Билмадим-у, ичимда нимадир "қизғон, қизғон" дегандай бўлаверади.

- Эрқак кишини ҳадеб ўтираса "ўпок", турса «ўпок» деб тергов қилаверсангиз зада бўлиб қолади, - гапга араплаши ўтирганлардан бири.

- Ўзимини онам ҳам дадамни ишхонасидаги котиба қиздан кизғониб ҳар куни бир марта "разведка"га бориб келди, - буш келмади Гулнора.

- Қайнонангиз раҳматли ҳам жуда рашкини эди. Үндан кўрканимиздан қайнатонгизга салом бермай ўтиб кетардиди, - менимча, бу гапни мархумин овсинарлардан биря айтид-ёв.

- Үндан чиқди энди Дилмуроджон билан ҳам ўйлаброқ саломлашар эканнимизда, гапга араплаши аёллардан бири.

- Гулноранинг рашиклилигига ҳам чидаш мумкин, лекин эрига гап ташиганини ўмон. Кундузи ховлида бўлиб ўтган гапларни кечаси оқизмай-томизмай эрига айтиб беради. Эрталаб Дилмуроджон ойимдан ўчини олади, - деди ичидаги аламини ютолмай Гулноранинг катта овсими.

- Вой келин, ундей қилманг. Эринизга ҳар балони гапираверсангиз, ақуалар ўртасидаги сувқилик тушив колади. Мен аканзига иложи борича яхши гапларни айтишига ҳаракат қиламан. Сиз яхши кўрган хотини бўлсангиз, бошқалар жигарлари. Ҳечам хижолат бўлиб Эринизни йўлини пойлаб юрман, сингилжон, маҳалламида барча аёлларни ўз эрлари бор-, - деди киноя билан кўшини келин.

Аёллар ўртасидаги сухбат шу ерга етганида ҳамроҳларим кетиш учун ўринларидан туришиди. Ҳовлининг бир четидан юриб чиқиб кетарканиман, ўйга етгунимча "нима эксанг, шуни ўрасан", - деган нақд хаёлмидан кетмасди. Демак, биз ҳар бир кунимизни чиройли қилиб ўтказишга ҳаракат қилишимиз керак. Шунда бизни одамлар ҳамиши яхши гаплар билан хотирлашади.



...“Ўзбекфильм” киностудиясида дубляж артистлардан — Римма Ахмедова, Тўлқин Тохиров, Мукамбар Раҳимова, Ҳамза Умаровлар иштирок этдиар...

Бу сўларни тақорор ва тақорор эшиттанимиздан дилимизда ёд бўлиб қолган.

Ўзбекистон халқ артисти Мукамбар Раҳимова. Ҳа, у нафақат дубляж маликаси, балки меҳрибон она, намунали оила бекаси, ўзи яшайдиган маҳалланинг жонкурги...

-1985 йил Тошкент шаҳар

Шайхонтоҳур туманинди “Янги Камолон” маҳалласига кинорежиссёр Ҳожимурод Иброҳимовлар оиласига келин бўлиб тушдим. Эрта тонгдан туриб, йўлакларни супураётсам: “Барака то-

У НАФАҚАТ ДУБЛЯЖ УСТАСИ, БАЛКИ...

пинг, қизим”, — деган таниш овоз эшитилди. Ўгирилиб қарадиму, кўзларим яшина бетди. Мукамбар опа Раҳимова мен билан илиқсаломлашиб, ёнимдан ўтиб кетди. Нимагадир у билан маҳалладош эканлигимиздан хурсанд бўлиб кетдим.

Мукамбар опанинг дубляждаги моҳирона ижроси туфайли дилга яхши бўлиб колган фильмнингсаноги йўқ: “Иван Васильевич ўз касбини ўзгариради”, “Иккى кишилик вокал”, “Ишдаги иш”, “Қайнона”, “Ўтгай она”, “Ок кема”, “Кирол Лири”... Эҳ-хе, бу рўйхатда бир минг тўрт юздан ортиқ бадий фильм бор. Ўзбекистон радиосининг «Олтин фонд» идан эса Мукамбар Раҳимова қатнашган 30 дан ортиқ эшиттиришлар ўрин олган. Опанинг бу соҳага қадам қўйганига эзлек йилдан ошиди.

Баҳт ҳамиша пок дил соҳиб ва

соҳибаларига насиб бўлгуси. Тўғрироғи, булбул чаманин излагани каби, баҳт қуши ҳам шабнами тўқилмаган, тоза, муттар феъли кишиларни қидиради. Мукамбар опа ҳам шундай

ҳаракат қилмаяпти? Уйда йўқмикан? — деб маҳалладагилар бир-бирларига савол назари билан қарашади. Мукамбар опа унча-мунча эреклар эплай олмайдиган ишларни қўлиб юра-

Оиласиз меҳмони

“Сени бутунликка етаклайдиган нарса “Йигиттамни, йигитдай бўлишим шарт!” — деган ОРИЯТдир! Ўғлим, умрини бўйи ўзингни “сен”лаб ўтигин! Бўйингдан ориятинг баланд бўлсин! Ўғил боланинг биринчи яратишни шу, деб насиҳат бериди. Ўғлим бу гаплардан жуда руҳлайдиган юрди.

Бошимдан оғир кунлар ўтди - буларнинг барчасини мен ўзим учун Оллоҳинг синовини деб билдим. Мана шундай дамларда Мукамбар опа ўз онамдай ёнимда туриб берди.

Онларда, жамиятда ўз ўрни, салоҳиятинг эга аёлларимиз бисер. Мукамбар опа ана шундай эъзоли инсон эканлигидан фархланамиз. Миллатимиз шаъни, жамиятимиз рањвики йўлида қиласиган хизматларни учун унга доимо кўлнимиз кўксимида.

Гулнора ИБРОҲИМОВА
Низомий номидаги
ТДПУнинг докторантни

ХУШЁРЛИК - ДАВР ТАЛАБИ


Бугунги кунда “аср вабоси” дея търиф бериладиган гиёҳвандликдан азият чекмакни калк, ташвишга тушмаган давлат йўқ ҳосби. Негаки, бу оғат ўз ортидан бедаво хасталиклар, жиноятлар, нотинчилклар, қолаверса ажалин эргаштириб юради. У туфайли кўплаб норасидалар майб-мажрух, ногирон бўлиб туфиладигани, кўплаб тинч, осойиш оиласидар бузилиб, болалар ота ёки она меҳридан мосуву бўлиб қолишаётгани, туппа-тузук юрган норгул ийтгилар ақлу хушидан айрилиб, ўғриликлар ва бошқа кингирилликлар, ҳатто одам ўлдиришдек мудҳиш жиноятларга кўл уришаётганини хеч кимга сир эмас. Бу

героин ва бир марта ишлатидаган шприцини ички кийими орасида яшириб юрган экан. Агар бу холат босхаша бўлганида, янын у бемалол “ўз ишини” бажарип кетганида ушбу кўргон ва унинг атрофидаги қишлоқлардан ўнлаб ёшлар гиёҳвандлик балосига гирифтор бўларди. Оғуфуруши аёл, асли Навоий вилояти, Учкудуқ шаҳрининг Геологлар кўчасида истиқомат қўлувчи Марина Сапегина бўлиб, хеч қаёрда ишламай, шунақа қабих ишлар билан шугуланаркан. Бундай деййшимизмага сабаб - 2000 йилда ҳам у худди шундай қилмиши учун жиноин жавобгарликга тортилиб, жазо муддатини ўтаб чиккан экан. Олти йилга озодликдан маҳрум этилган, аммо авға тушиб муддатидан олдин чиқарилган бу аёл қилмишидан етарли хуолоса қилмаган кўринади.

Анча тақирибда ошиб қолмаганими, бу сафар ҳам «Навоий шаҳри»даги танишим Евгенийдан ўзим истемол килиш учун олгандим», деб бир бечоранинг шаънига тұхмат ҳам килмокчи бўлган. Чунки, текширишлар буни тасдиқламади, катто у ўз танишининг манзилини топиб берга олмаган. Шундан сўнг «Ургут тумани Жартепа қишлоғидан Сулаймон деган кишидан олдим», деган. Хуллас, бўёғи ички ишлар ходимларининг иши.

Муҳими, бир катта фожеанинг, фалокатининг олини олди. Яна бир бора таъкидлашни истардикни, ўз қишиғи, ё маҳалласиди бу борада маълумотта эга бўлган, шубҳага борган киши ички ишлар бўлими ёки маъмурий органларга хабар қисса, гиёҳвандликка ва бошқа жиноятларга карши курашдаги умумий ишиимида улкан хисса кўшган бўларди. Бундан ташқари, хабар қилган кишининг насли наасаби сир тутилиши ва ҳаётни турли тажовузлардан қишлоғидан ишларни хам хар бир ҳамюртимиз билиб кўйса ёмон бўлмасди.

Хайрулла ҲАМРОЕВ



Муборак рўзи Рамазон тилаги

эътиқод, сабр-тоқат, ўйларидан қут-барака аримаслигини тилайман.

Курамбай ОТАЖОНОВ

Хоразм вилояти, Ҳонқа тумани,
Фурқат кўчаси, З-уй.

СУРАТЛАР

СУД ҳарәёни ниҳоясига етди. Қандайдир ўн бўши, йигирма дақика ичиди бутун бир оиласиning тақдирни ҳал бўлди: хали эсими таниб-танимаган гўдаклар онаси билан бир ёнга, уларнинг отаси эса, бошқа томонга бўлнидилар. ҲУҚМ қаъый - никос бекор қилинди! Суд бўлиб ўтган хонадан чиқиб келишадиганда собиқ рафиқа собиқ эрнинг кўлига қофзозга ўроғлик ниманидир тутқазди-ю, физилаганда жўнаб қолди. Ўз ҳёлларни билан банд сабиқ эр олган нарсасини очиб ҳам кўрмай, чўнтағига солиб кўйди. Куни кеча кўчуб ўтган уйига келгач, чўнтағигадаги нарсани очиб кўриб ҳайратдан қотиб қолди. Ё алҳазар! Суратлар... Ўзининг суратлари. Учтаси ЗАГСдан ўтаётгандаридан олинганди. Колгандарни эса, оливий тушилган суратлардан. “О багритро аёл! Бу жонсиз суратларда не гуноҳи, менинг сиймойимни ажратиб ташлаш учун қайчининг соўз тигларда булақлабсан!...” - сабиқ эр шундай деб пичирлагандаги киши-кинғир килиб кесиб олинганди суратларини толустига ташлади.

Сизга айтмоқчи бўлгандарим

Суратлар қирқилди икки бўллакка-
Сен у тараф қолдинг, мен бу ён қараб.
Оҳ, ёлғон экан-ку, сингмай юракка-
Ишқ у томон қолди, ишонч бу тараф!

Эркалаш оҳангиз газабга дўнди.
Ширин ўйлар эса тигли хаёлга.
Нотавон пешона ёзмисига кўнди,
Келажак айланди мавхум саволга!

Мен кетдим, сен қолдинг, оралиқ - чексиз,
Бу худуд энг тийра тундан-да қаро.
Бир вактлар кўксими тўлдириган ул хис
Бу кун битмас армон, доф кўксим аро!

Суратлар...
Суратга эмас, жаллоддек -
Гўё менга тортдинг алам тигини.
Балки ямаш мумкин суратларни лек -
Тиклаб бўлармикан аввалиг МЕНИ!!!

Дилмурод САЙИД

- Таҳририятингизга аввало отамнинг васиитини бажариш, колаверса онамнинг ҳам эзгу армони ушалса, деган умид билан келдим-да, оғажон. Отам бир умр сингилларимни топиш умиди билан яшади. Аммо, насиб қилмаган экан...

- Келинг, ужакон, бир бошидан гаплашайлик...

- Мен Қашқадарё вилояти, Чирок-

Эгизак қизчаларга эса Фотима ва Зухра деб ном бершиди. Шароит оғир бўлиб уларга қарайдиган одам бўлмаган. Шунда ҳамкишоқлар маслаҳатлашиб уларни туркухонага топширишиади. Вақтинча топширилганни ёки бутунлай топширилганни, мен аниқ билмайман.

- Уларнинг тақдири нима

дан кейин сўнгги умиди узилган отам қизларини изламай қўйди. Уларнинг руҳларига бағишлаб Куръон тиловат қилдири. Кўп утмай эса бу дунёни тарк этиди. Мен эса қачон бўлмасин сингилларимни топишдан умид қиласр эдим.

- Сиз ҳам суринтириб кўрмадингизми?

- Кўп қидирдим. Узим кўрмаган кўшалоқ сингилчаларимнинг тақдири мени ҳам ҳасратга соларди. Қучаларда эгизак опа-сингилларни кўриб колсан, узим кўрмаган сингилларимни соғина бошлаганимни хис этардим. Балки, чиндан ҳам улар аллақачон бу дунёни тарк этишгандир, балки қаердадир тирик ва соғ-омон яшаб юришгандир? - деган фикрлар кўнглимдан ўтари.

Будунёдаги энг оғир мусибат ўз яқинларинги бедарак йўқотиш экан. Қизчаларидан айрилган отамга оғир бўлган экан...

Биласизми, бу дунёда тасодифлар кўп бўлади. Яқинда ана шу сингилларимдан бирининг, Зухранинга дараги чиқди...

- Уни топдингизми?

- Топишга-ку, топмадим. Бир ойлар бўлди. Қизломигиздаги бабзи одамларнинг айтишича "Мехр кўзда" кўрсатуви орқали сингилжоним Зухра ўз яқинларини излётган эмиш. Афуски, бис ўша кўрсатувни кўраолмай колгандик. Шундан буён тинчим йўқолди. Ҳализамон сингилм дарвозадан кириб келётган дарвазадек туюлаяти. Газета ҳам катта куч. Бунинг устига севимли "Оила ва жамият" газетамиз энг оғир дамларда яқин дардошимиз бўлиб келган. Уни республикализмин барча вилоятларида, туманларида муҳлислири бор. Эҳтимол сингилгинам ҳам ушбу газетанинг муҳлисиридир?

Хаётимнинг қайгуни дамларида менга шерис бўлган газетам, бу гал мени жигарбандим Зухраон билан топишишимга ёрдам берар? Зора сингилм тописса-ю, отамнинг руҳи шод бўлса...

Равшан исмли бу йигитга чин дилдан ҳамдард бўлдим. Таскин айтиб кузатиб кўйдим. Сингилларини топши умидидан останомизга бош уриб келган бу муҳлисимизга тез орада синглиси билан дийдорлашиш бахтими тиладим.

Басира САЙДАЛИЕВА

чи туманинаги «Пахтакор» жамоа ҳўжалигининг Бойли қишлоғида яшайман. Отамни Тагмон бобо дейишиарди. Шукр, қишлоқда ҳеч кимдан кам эмасдик.

Ота-онам яхши инсонлар эди. Аммо, жуда ёшлигимиздан сингиллар ҳақида гап кетгудек бўлса отамнинг кўзлари жиққа ёшга тўларди. Кейинчалик, ёшим сал улгайганидан кейин бунинг сабабини тушундим. Чиндан ҳам калбининг тувида бир дарди бор экан...

Бу воқеанинг тарихи узоқларга тақалади. Воеа 1954-1955 йилларнинг бахор ойида рўй берган. Аммо, қайси йил эканнингини аниқ ҳеч ким билмайди. Онам бахор ойларида ғизак қизалоқлар кўради. Тақдир тақозоси билан қизчалар дунёга келганидан кейин онам оламдан ўтади.

Сингилларимнинг доғида куякуя, уларни излай-излай отам янабир Тошкентдаги болалар уйларини излаганини биламан. Аммо, ҳар гал хафа бўлиб, эзилиб уйга қайтарди. «Наҳотки болаларимни кўра олмасдан, уларни топа олмасдан дунёдан ўтиб кетсам-а?» - деби ҳафа бўларди.

Сингилларимнинг доғида куякуя, уларни излай-излай отам янабир Тошкентдаги болалар уйларини излаганини биламан. Аммо, ҳар гал хафа бўлиб, эзилиб уйга қайтарди. «Наҳотки болаларимни кўра олмасдан, уларни топа олмасдан дунёдан ўтиб кетсам-а?» - деби ҳафа бўларди. Ана шун-

Бўлган экан?

- Ҳудди ана шу қизалоқларнинг, ўзим кўрмаган сингилчаларимнинг тақдири мени бу ёқларига етаклаб келди-да. Ҳуллас, гўдаклар туркухонага топширила-нидан кейин, онамнинг дағи маросимларини ўтказган отам қизчаларидан хабар касалхонага келибди. Билсаки, фарзандлари у ерда йўк.

Туркухона бош врачи отамга; «Қизларингизни иккита ҳамшира билан Тошкентдаги гўдаклар уйига юбордик. У ерда уларни кўкрак сути билан бокишиб катта қилишади», - дебди.

- Шундан кейин отангиз уларни излаб кўрмадими?

- Излаган, жуда кўп излаган. Отам Тошкентдаги барча етимхоналарни, вилоятлардаги болалар уйларини излаганини биламан. Аммо, ҳар гал хафа бўлиб, эзилиб уйга қайтарди. «Наҳотки болаларимни кўра олмасдан, уларни топа олмасдан дунёдан ўтиб кетсам-а?» - деби ҳафа бўларди.

Сингилларимнинг доғида куякуя, уларни излай-излай отам янабир Тошкентдаги болалар уйларини излаганини биламан. Аммо, ҳар гал хафа бўлиб, эзилиб уйга қайтарди. «Наҳотки болаларимни кўра олмасдан, уларни топа олмасдан дунёдан ўтиб кетсам-а?» - деби ҳафа бўларди. Ана шун-

ман. Одам озади, семиради, қўша-қўша кийимнинг нима кераги бор? Очиги онам қилган сарполардан қайнонамнинг кўнгли тўлмади. Ахир кийимни қайнонам эмас, мен кияман-ку! Одамнинг кадр-киммати кийим билан баҳоланмайди, деб биламан мен. Бу гапларни тилимга чиқармасдим. Кеча кекчи пайт ошхонада овқат қилаётсам, қайно-

ди. Ўзимни эшитмаганга олиб, уй юмушларига уринидим. Бу гапни онам эшитсалар нима бўллади?

- Нима бўларди, кудалар ўртасига дара кетади. Сиз буни хоҳламасангиз кепак?

- Албатта. Онам менга: «Зинхор-базинхор уйингдаги гапни бу ерга, бу ерда-

Кўнироқларингиз...

Жушижудлиж ойи

нам ташқаридаги қўшнимиз билан гаплашиб турганди. Атайлаб овоздарини кўтариб: «Кудамиз сарпони қойиллатди, ҳадемай ҳайт ҳам келади. Қўрамиз, буни ҳам болласалар керак», - деб кесатиб гапирдилар. Бошимдан бир челак сув қўйиб юборилганда ахволга тушдим. Тилимга гап келди-ю, эрим кўз ўнгимда гавдаланиб кет-

ги гапни рўзгорингга етказма», - деб насиҳат килганлар.

- Шуни билсангиз, тилингизни тишиланг. Қадрингизни оширадиган ҳам, тушнадиган ҳам тилингиз. Сиз эрингизни билинг. Онаси хақда бир оғиз соvuк гапни ё унга, ё оиласигза етказсангиз тамом, арасидан коласиз. «Иккӣ қайиқка оёқ кўйган гарк

рак бўлса тиз чўкишлар ҳам бўлади. Сиз қайонангизнинг бу ноўрин кесатигига парво қўилманг. Шундай кунларда қайонангизнинг оғритибдими, тутган рўзларни ҳам, ўқиган намозлари ҳам бир пул бўлади. Қариллик килганларда, сиз эса ёшлик килиб қўйманг.

- Мен эсимини еганим йўк.

БИЗ ҲАМ БИР КУН ҚАРИЙМИЗ

Таҳририятимизга Тошкент вилояти Занги ота туманида истиқомат қилаётган иккита отаҳон кириб келишиди. Салом-алиқидан сўнг отаҳонлардан бирги гап бошлиди:

- Худога шукур, З тағарзандим, 8 та набирам бор. Болаларим мени кафтида тутишиди. Кичик ўғим билан бирга турман. Келиним ўз қизимдек меҳрибон. Ислом-совуғим вақтида тайёр. Раҳматлик рафиқам 7 йил бурун оламдан ўтганди. Шундан бери бир томоним йўқдек хис қиласман ўзимни. Кечки овқатдан кейин ўғим, келиним, набираларим ўз уйларига кириб кетишиди. Мен эса бир ўзим коламан, - деб бирга келган ҳамроҳига юзланди.

- Тўғри, - деба тасдиқлари иккичи отаҳон. - Менинг ҳам келдик-да, - деди дадилланиб улардан бирни. Иккала отанинг ҳам юзларига қон югуриб, чиройлари анча очиди.

- Нимага шу пайтгача ҳаракат қилмандингиз ёки ўғил-қизларингиз қаршилик килишдими?

Отаҳонлар бир-бира гапни овқатдан биринчи гап бошлиған отаҳон жавоб берди.

- Ўғил-қизларимиз суринтиргани ўшланяг аёллар. Энди бизга ўши 40дан 50гача ва ундан каттароқ бўлса маъкул-да! Биз дўстим иккаламиз ҳам олтишдан ошганимиз. Муслима бир аёл бўлса бир-бира мизни сўяб яшасак деган ниятда келган эдик.

Отаҳонлар билан анча гаплашиб ўтиридик. Улар билан хайрлашар эканман бир нарсага амин бўлдим. Минг истиҳола билан кириб келган отаҳонлар елкаларидан тог ағдарилгандаи кайфиятларни кўтарикинди эди. Баҳт, муҳаббат сўзини кўпинча ўшларга нисбат берган ҳолда ишлатамиз. Дараҳт ичидан емирилади, биз эса сиртимиздан. Ахир бир кун биз ҳам қариймиз-ку! Таҳририятимизга келган отаҳонларнинг тақдири бизда ҳам тақрорланмайди, деб қай биримиз айта оламиз? Улар исму шарифлари, мансизларини чоп этишига руҳсат берган бўлсалар-да, ҳар эҳтимолга қарши сир тутишни лозим деб билдиқ. Отаҳонларнинг манзили таҳририятда.

Тоҳир

- Еманг ҳам, эсини еганим ўз бошига ташвиш ортириди. Сиз бўлажак онасиз. Худо ҳоҳласа қайнона ҳам бўласиз бир кун. Қайнонангиз йўл кўйган ҳатони тақрорламайсиз деб умид қиласман.

Қиз билан хайрлашиб гўшакни кўйдим. Мавжуд анъанавий удумларимиз ҳақида қанчалик кўп гапирмайлик бирор амал қилиб, бирор ўз билганидан қолмайди. Оғирлик кимга тушади - яна ўзимизга. Биргина «Келин кўриш» маросими 3 кун ўтказилса, дастурхонни безаш учун 40-50 ва ундан ортиқ тогорада пишириклар пиширилса, бешисоб сарполар тортик этилса, чақирилган ҳам, чақирилмаган меҳмонлар ҳам келаверишса бу дабдаба нимага керак? Рўзи-рамазон ойини хушнудлик билан ўтказайлик, азизлар.

Т. НОРИМОВ

ТАҚДИРНИНГ ЎХШАШ ЧИЗИҚЛАРИ

«Кечир, сендан бутунлай кетдим» 37-сон

ЭСЛАТМА: Мен аллақачон Мұхаббат манзилидан узоклашиб кетдим. Энди сен умуман ўзга, менә өт бүлган дүнёсан. Эхтимол, сенинг ҳәйтингда сезиппилер из қолдирмагандирман, аммо бирга үтказған чогларимизни эслаганингда хеч бўлмаса бир бора кулиб қўй. Менедж нодон бир қизининг телбаларча сезванимни хотиралаганингда юзингта илиқ бир табассум юргурса - ана шу менинг бахтим.

Гулнора ИМОМБЕРДИЕВА

Гулнора! Мен сизнинг бу ёзганингизни ўқиб, қалбингиз тубида қандадардлар яшириянганингизни англадим. Чунки бу туйгу мени ҳам четлаб ўтмаган ва худди сизнинг бошингизга тушган "савдо" мени ҳам "сийлаган". Бу

умид ва армон ўртасида қолиб, аросатда қолган, максадиз бир туйгу ӯхшаган нарса. Ҳуллас... Сизнинг дардингизни хис қиласяпману, ўз дардим ёдга тушиб юрагим сиркирайди.

Эх,...! Мен сени қанчалар сезван эдим? Сен учун, ҳатто нафас олмай яшашга, сенга жонимни фидо қилишга тайёр эдим. Сен орзуим маликасининг тимсолига айланаби углурган эдинг.

Сени илк бор кўрганимда, ҳәйтимга мазмун киргандек, умрин шамчириғи ёнгандек эди. Афсус..., бу шамчироқнинг умри нечоғлиқ қисқалигини кеч англадим. Сен менинг ҳәйтимга олов бўлиб келдинг-у, менга илиник, ёруғлик баҳш этмай туриб, тезда сўндинг. Гоҳо ҳәйтимга келган ўйдан кўркиб кетаман: "Сен жаллодсан, йўқ, йўқ..." жаллод эмас, курбонини ярим бўғизлаб, унинг бир азобда қолдирган қассобсан". Балки сени бежиз айблайтгандирман, балки сенинг ҳәйтингда ҳам мана шу фикрлар чарх ура-

ётгандир. Нима бўлганда ҳам, сен менинг муҳаббатимни, гуруримни поймол килдинг.

Сени не деб аташа, оқлаша ёки қоралашга ўзимда сўз тополмайман. Балки мен, чўйкётган одам ҳаста ёпишади, дегангларидек, умид қилаётгандирман. Лекин армон, деб аталиши тилсим ҳам менинг қўймайди. Умид қанча мени овутиб, қалбимга қайта олов ёкишга ҳаракат қиласа, армон сув сепиб ҳаммаси тугади. Менинг қалбим умид ва армон ўртасидаги тушуни бўлмайдиган жанг майдонига ўхшайди.

Севгилим!... Сен доимо ёнимда бўлсан-да, сени соғиниб яшайман. "Сени унуматан" деган сўзлар куруқ чўчча эканлиги айни ҳақиқат. Чунки сени унтиш учун факат ироданинг ўзи камлик қиласди.

Сен билан кечган дамлар! Ох, ўша дамлар! Олтидан киммат, калпаклар умриданда омонат дамлар. Ҳар бир они гўе асралар бошини кучиб ўтгандек. "Баҳтиман" деган сўзинг, факат ўша онларга хос сўз, дунёдаги энг сержило, энж жарандор сўз эди гўё. Бу дамлар менинг ҳәйлий оламиимда мангу яшайди. Севгилим!...

Балки бу сўзларни ўқиб, "эх, телба" деб жилмайиб кўйсан. Балки менга дилингнинг тубида яшириянг хисларингин, ошкор қиласан. Ҳашданда, ўшанда умид армон устидан галабага эришади. Менинг умидим дунёни ўз ёёдуси билан нурафшон этарди.

Биламан... Биламан бу гаплар фактат ҳаёлий орзу эканлигини, у ҳеч қачон ушалмаслигини. Лекин не қиласи, яна ўша умид мени овутишига ҳаракат қиласи.

Хурматли Гулнора! Менинг ҳәйтим сизникидан бироз фарқ қиласа-да, дардимиз ўхшаш эканлиги сабаб, қўлимга қалам олдим. Мен сизга шуни айтишим мумкин-ки, бир умр армонга кул бўлиб яшамаган. Қалбинизда умид учунларини ёкишга ҳаракат қиласинг. Зоро, умид сизни армон ҳангалидан кутқарса, сизга доимо муҳаббат сарчашманинг сўнмаслигини, қалбингиз кувноқлик-ла ошно бўлишини тилайман.

Фарход ЭШМЎМИНОВ
ЎзМУ талабаси

БОЛАЛАРИМ КЕЛАЖАГИНИ ЎЙЛАЙМАН

«Хар банданинг ошиёни бўлсин» 44-сон



алоҳида бўлиш ҳақида аввалидари бор қотирмагандир. Лекин ҳозир 3 та ўғлим бор. Катта-си 14 ўшда, ўртанич 12 да, кичигим 8 ўш. Уларнинг келажагини ўйласам... Ойим ўй ишларини ҳам, рўзгорни ҳам ўзла-ри килиб ўргатиб кўйлан, шунинг учун эркакларимиз ло-қайд, танбалрок, қатъиятсиз бўлиб қолишиган. Ўғиллариминг ҳам шундай бўлиб қолишидан чўчийман. Ҳозир болалар бўйи бўйи-мизга тенг бўлиб қолган пайтда ўй-жой ҳақида ўйламай иложим йўқ. Лекин қан-дай килиб ўй-жой қилишини билолай ҳайронман. Болаларим меҳнатдан қоммайди, уларни ишга согламан. Ҳозир айни балофат пайти. Улардан кўз-кулоқ бўлиб туриш, сир-дош бўлиш, бўш қолишларига йўл қўймаслик керак. Мен ҳам, дадаси ҳам ишда, ишламасак болалар катта еб, катта киядиган бўлиб ўзи билан гальваси ҳам катта бўляпти.

Хуллас, алоҳида яшашга мажбурмиз. Бироқ бу гайнаном, ҳайонларим кўнишармикан? Шу кунларда факат шу ўй билан яшаяпман.

Муқаддас САҒАРОВА
Тошкент

ини йўқ. Катта қай- ногағи ӯғиларини йўлантитди, келин-нинг 2 та боласи бор. Улар ҳам, кичик қайногам ҳам, биз За бола билан бир

қозондан оқватланамиз. Бундан ташарки, ховлимида амаки-мизнинг келинлари, яъни ой-мининг освинлари, иккى келин 3 болалари билан туришиади. Уларнинг қозонлари бўлаб-бўлак. Лекин бир ҳовлида, бир этак бола билан 5 та оила яшаймиз. Ахиллик, тотувлик ҳукмрон бўлгани учун ҳам биргамиз. Эрқаклар ҳам оймининг чизганингизни сабаби чикмайди. Мен кичик келин бўлганим учун



«Яхши ният қанчалар яхши»- 44-сон

ЭСЛАТМА: Болам, факат яхши ният қилиши ўрган, нимақи астойдил сўрасанг, парвардигор албатта беради, деб насиҳат қиласди момон.

Ёшлигимда ўқиб, яхши бир инсонга турмушга чиқини, ширин-шакар фарзандлар кўриши ният қиласидан. Ҳудога шукр, ниятларим деярли амалга ошиди. Энг аввало яхши ниятлар қилиш керак экан.

Райхона РАҲИМОВА

"Яхши ният қанчалар яхши" маколасини ўқиб чиқдим ва кўлимга қалам олдим. Ушбу маколадаги "Яхши ният - ярим давлат дегандан нималарни тушунасиз?" деган саволга ўз фикримни билдиromoқчиман.

Аввалом бор инсон дунёга келганида яхши ният билан кулогига азон айтилади. Шундан сўнг она гўдак парваришини бошлайди. Бола эса она

кўкрагидан тўйиб-тўйиб озука олади ва ўзига нисбатан меҳрин тўя бошлайди.

Бу меҳр онанинг болалига бўлган муҳаббатидир. Шу ўринда бир ҳаётий воқеани айтмоқчиман. Бир она боласи 3 ўшга тўлганида тўсатдан хасталаниб ётиб қолди. Шифокорлар унга "жигар циррози" ташкисини кўйишиди. Афсуски, у кўлга бормай вафот этди. Бир ўғил - бир

қиз ёш етим қолиб, она-сининг тобутини кўттарган одамларга қараб бўзлаб қолаверди. Она оғир хаста бўлиб ётган чоғида энди 3 ўшга тўлган ўлига қараб: "Шу ўғлим кўшики бўлсин, илоҳим", деб ният қиласди. Яхши ният амалга ошиди. Йиллар ўтиб бола улгайди, булбулдай хушовоз сохиби бўлиб ётишиди. Эскиларда: "Яхши гапга ҳам, ёмон гапга ҳам фариштадар "Омин" дейди", деган гап бор. Шунинг учун тилимизни димишни ёмон ниятлардан асралык. Яхши ният доимо ҳамроҳимиз бўлсин.

Ҳасан СУВОНОВ
Сурхондарё вилояти
Шўрчи тумани



ниҳам даволовчи мутахассис врачларга тавсия этишади... Наҳот энди биздек ногиронларни ёрдам тараққисида даволовчи мутахассис врачлар йўқ бўлса, бизни даволашмаса... Муруватли инсонлар топилармикин дунёда?

Кани энди бизларга ёрдам берувчи инсонлар бор бўлса, дегансиз. Синглигинам, юракни ларзага соловчи бу сўзларингизни ўқиган, эшитган шифокорларимиз, сизга ёрдам берувчилигига ишонаман. Негаки, бу газетани бугунги кунда республикамиздагина эмас, кўнши республикаларда ҳам ҳар касб эзаси севиб ўқиди. Сизга ёрдам бермоқчи бўлган инсонлар газета орқали хат ёзиша, ажаб эмас. Факат озигина сабр қиласинг.

Дардини берган Оллоҳ шифосини ҳам беради. Сизга сабр-токаз тилайман. Отанонгизга, қариндошларингизга, дугоналарингизга чексиз меҳр куч-куват тилайман. Улар ҳам доим сизга меҳрли, мурувватли бўлишишин!

София НАЗАРОВА

Самарқанд вилояти

Нарпай тумани

ДАРД

НИМАЛИГИНИ МЕН ҲАМ БИЛАМАН

«Кисматимиз бир экан» -41-сон

ЭСЛАТМА: Гоҳида ёлғизлиқдан зери-киб, дилдан сухбатлашадиган дугонам, сирдош дўстим бўлишини истайман.

Биз етти мучаси соғ инсонларга тенг келаолмаймиз. Ахир уларнинг қаноти кайрилмаган, кайрилмагасин ҳам. Дунёни кизик, кимгандир тўла бахт берилган, кимнингдир бахти ярим. Биз-чи, баҳтга эга-мизми?

Шаҳзода АБДУҲАКИМОВА

Синглим Шаҳзодаҳон! Шоҳидаҳонга ёзган дардли мактубингизни ўқиб кўлими қалам олдим. Шаҳзодаҳон, сизнинг маколангиз энди турмуш кураётган ўз келин-куйвларга сабоқ бўлади ва келажакда ногирон болалар камаяди, деб ўйлайман.

Маколада: "Бу ҳаётда мендек, сиздек тақдирига аччик қисмат битилган қанчадан-қанча қалби армонга тўлган ин-

даги арзимаган уруш-жанжаллар сабаб ўз жонига қасд қилишади. Улар яшашни, ҳаётни севиши, меҳр-оқибат нималигини сиздан ўрганишсин, сиздан ибрат олишишин.

Дил изҳоринизда "Газеталарда ўқиб қоламан, телевизорда кўраман - гиёхвандлик билан шуғулланган инсонларни, СПИД билан оғриган беморлар-

Оиласда тўнгич фарзандманд. Ёшим 23 да. Хозирда чеварчилик касби билан шугулланаяпман. Келажакда етук чевар бўлиш ниятидаман. Ҳаёт дўстлар билан гўзлар. Энг оғир кунларингда сенга бир оғиз ширин сўзни айтувчи дўстларинг бор бўлганига не етсин.

Хуллас, бўлжак дўст ва дугоналарим мактубларини кутаман.

Санобар НАЗАРОВА

Норин тумани, Ҳаққубод шахри, Беруний кўча, 83-үй

Мен бўш вактимда чеварчилик билан шугулланаман. Романтик қизиман. Хайнантин кечирмайман.

Самимий дўстни, вафодор, ибо-ҳаёли инсонларни қадрлайман. Ӯзига бино кўйганиларни жиним сўймайди. Камтарин, камсумк мўддатлар ортириш ниятида бу мактубни ёздим.

Дилфуз МУСАБЕНОВА

Сирдарё вилояти, Гулистан шахри, 3- маавзе 43-үй, 16- хона, инд.707005

Чирчиқ шахридаги 22-мактабнинг 9 "а" синифда таҳсил оламан. Мен жуда ҳам кўп вактларимни хаёл суришга сарфлайман. Одамларни характерини таҳжил килишга қизикаман. Ёмон одатли дўстларимни кўрсан "нега шундай экан?", деб афсусланаман. Агар бизнинг атрофимизда кўнглимизга яқин, сирдош, ҳақиқатни юзига айтадиган дўстларимиз кўп бўлса ҳаётда ўз йўлимини адашмай топиб оламиз. "Оила ва жамият"нинг азиз муҳлислари, келинглар, бир-бirimiz билан дўст, қадрдан бўлишига ошиқайлик.

Моҳира ИСКОВА,

Тошкент вилояти, Чирчиқ шахри, Елибай кўчаси, 70-үй.

Гузал Хоразмнинг Урганч шахрида дунёга келганман. Ёшлигидан спорта қизикаман. Спортнинг эркин кураш тури билан шугулланаман. Газета ва журнallарни ўқишини, спорт кўрсатувларини томоша килишини ёқтираман. Севимли соҳам бўйича юксак чўққипарга чиқмаган бўлсан-да, дўстларим орасида обрў-этиборга эгаман. Келгусида моҳир кураши бўлиш ниятидаман.

Юсуф ХУДОЙБЕРГАНОВ

Хоразм вилояти, Урганч шахри, 6 микрорайон, 18/1, 43-үй

Табиатан кўнгилчан ва тъасирчан қизман. Бироз шўхманд, Гузал исмимни дадажоним кўйган. Дўстларим билан дилдан субҳан килишини ёқтираман. Севишганларга ҳавасим келади. Ҳалоллик ва поклир ва тобе киёт мазмуни деб биламан. Мен бўш вактимда тиббиётга оид китоблар ва газеталар ўқиши. Спортнинг сузиш турига қизикаман. Айни кунларда тиббиёт коллежида таҳсил олмоқдаман. Келажакдаги орзумни етук шифор бўлиши. Инсонларга фойдаси тегадиган, ўз касбининг моҳир устаси бўлиб этиши истагидаман.

Мафтуна РЎЗМЕТОВА

Хоразм вилояти, Урганч шахри, Наврӯз кўчаси, 39-үй.

Ёшим 16 да. Хозирги кунда Фориш туманидаги маишӣ хизмат коллежида таҳсил оламан. Менинг севимли газетам "Оила ва жамият" оиласиз билан ҳар пайшанба кунини интиклик билан кутаман.

Менга айниқса "Келинг дўстлашайлик" руҳни ёқади. Менда ҳам дўстлар ортириш истаги туғилди. Дўстларим кўп бўлишини хоҳлайман.

Фурқат КАМОЛОВ

Жиззах вилояти, Фориш тумани, Богдон кўчаси, 82- үй, инд: 708020

Мен кўшик эшитишини, хаёл суришини ёқтираман. Шунингдек, бўш вактимда ижод билан шугулланаман. Шеърларим хамда хикояларим туманинин газетасида чиқиб турди. Мен кўллаб дўстлар ортиришини хоҳлар эдим. Ҳаётдаги широрим: "Ойнинг ўн беши ёруғ, ўн беши коронгу!"

Марҳабо КУДРАТОВА

Сурхондарё вилояти, Жарқўргон тумани, Толачи кўчаси, 14-үй

БИР БОР ЎҚИБ, СЕВИБ ҚОЛИШАДИ...

ри қалбимизни ларзага келтириб, ўйлантиrsa, баъзилари куладиради, ҳатто йиғлатади ҳам. Баъзи мақолаларни ўқиганимда ундан гаплар худди мен учун айтилаётгандек тюолади. Бошқаларидаги қаҳрамонлар эса дўсту дугоналарим ва менинг атрофимдаги одам-

ларга ўхшайдилар.

